



THE SIGNIFICANCE OF CRITERIA THE SUBJECT OF CRIME IN THE PROCESS OF QUALIFICATION OF CRIMES

КН.КАРИМОВА^а

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ МЕЗОНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Х.КАРИМОВ^а

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ МЕЗОНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Х.КАРИМОВ^а

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур мақолада жиноятларни квалификация қилишда жиноят субъектининг аҳамияти, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида жиноят субъектига оид масалалар таҳлил қилинган ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар билдирилган.

Калим сўзлар: махсус субъект, ақли расолик, ёш цензи, юридик шахсларнинг жавобгарлиги, бир гуруҳ шахслар.

Аннотация: в статье проведен анализ значения субъекта преступления в квалификации преступлений, вопросов касательно субъекта преступления в уголовном законодательстве зарубежных стран, а также выработаны соответствующие предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: специальный субъект, вменяемость, возрастной ценз, ответственность, юридические лица, группа лиц.

Annotation: the article analyzes the significance of a subject of crime in qualifying crimes, as well as the issues on a subject of crime in criminal legislation of foreign countries, besides, relevant proposals on improving legislation have been developed.

Keywords: special subject, compos mentis, age requirement, liability of legal entities, group of persons.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддаси жисмоний шахсларнинг жавобгарлигига оид қоидаларни тартибга солиди.

Жумладан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят субъекти бўлишнинг учта шартли мавжуд:

1. Жавобгарликка тортиш ёшига етганлик.
2. Ақли расолик.

3. Жисмоний шахс бўлиши.

Демак, ЖКнинг 17-моддасида юқоридаги учта шарт акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Жинойят субъектининг жавобгарлик ёшига нисбатан минимал ёш тоифалари белгиланган. Мазкур ёш жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, шахснинг ривожланиш ҳолати, муайян лавозимни эгаллаш имкониятидан келиб чиқиб белгиланган.

Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар. Демак, жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал ёши бу 13 ёш деб айтсак тўғри бўлади.

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар Жиноят кодекси 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар. Яъни ушбу ёшга келиб шахс мазкур жиноятларни ижтимоий хавфлилигини англаши мумкинлигидан келиб чиқиб, юқоридаги жиноятлар учун субъект ёши 14 ёш қилиб белгиланган.

Жиноят кодексининг 122, 123, 125¹, 127, 144, 146, 193–195, 205–210, 225, 226, 230–232, 234, 235, 279–302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Баъзи жиноятларда субъект бўлиши учун муайян талаблар мавжуд. Масалан, пора олиш жиноятини субъекти фақат давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси бўлиши мумкин. Жиноят қонунида бу жиноятнинг махсус субъекти дейилади. Яъни пора олиш жиноятининг субъекти давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси бўлади. Агар шахс мансабдор шахс бўлмаса, мазкур жиноятнинг субъекти бўлмайди. Демак, мансабдорлик жиноятида жиноят субъектининг умумий шартларидан ташқари мансабдор шахс бўлиши ҳам талаб этилади.

Махсус субъектнинг бир қанча мезонлари мавжуд:

1. Фуқаролик ҳолатига қараб, масалан, ЖКнинг 160-моддасига асосан, жосуслик жиноятининг субъекти фақат чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиши мумкин. ЖКнинг 156-моддасига асосан давлатга хоинлик жиноятнинг субъекти эса фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши мумкин.

2. Жинсига қараб. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 2-бандида номусга тегиш жиноятининг жабрланувчиси аёл жинсидаги шахс бўлиши белгиланган.

3. Лавозимига қараб. Давлат ташкилоти мансабдор шахси ёки нодавлат ташкилот мансабдор шахси. Ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий мансабдор шахс. ЖКнинг 210-моддаси субъекти давлат мансабдор шахси бўлса, ЖКнинг 192¹¹-моддаси субъекти нодавлат мансабдор шахс бўлиши мумкин. Ҳарбий жиноятларнинг субъекти эса ҳарбий хизматчи (ЖКнинг 283-моддаси) ёки ҳарбий мансабдор шахс (ЖКнинг 301-моддаси) шифокор ёки тиббиёт ходими (ЖКнинг 114-моддаси) бўлиши мумкин. ЖКнинг 230-моддасида белгиланган айбсиз кишини жавобгарликка тортиш субъекти фақат суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлади.

Демак, жиноятнинг махсус субъекти Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида бевосита белгиланган бўлади.

Жиноятнинг махсус субъекти қилмишни тўғри квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ЖКнинг 210-моддаси) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, белгиси билан малакалашда икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс бўлиши талаб этилади.

Демак, жиноят субъектини шартли умумий ва махсус субъектга бўлиш мумкин. Махсус субъект айни вақтда умумий субъект белгиларига жавоб бериши шарт. Яъни умумий субъект белгилари жисмоний шахс, ақли расолик, жавобгарлик ёшига етганлик.

Жиноят кодексининг 18-моддаси ақли расоликка оид қондани мустаҳкамлайди. Яъни жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади. Демак, шахс ўз қилмишини моҳиятини англаган бўлиши лозим.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа

тарздаги рухий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди. Чунки бундай шахснинг ижтимоий хавfli қилмишида жиноят таркибининг муҳим элементи бўлган жиноятнинг субъектига қўйилган талаб мавжуд бўлмайди. Шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг муҳим шартларидан бири ЖКнинг 17-моддасида келтирилганидек ақли расолик. Қилмишни ақли норасо ҳолда содир этиш эса жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат ҳисобланади.

ЖКнинг 18-моддасининг 3-қисмида ижтимоий хавfli қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкинлиги қайд этилган. Мазкур нормада жиноятни эмас, балки ижтимоий хавfli қилмишни ақли норасо ҳолда содир этиш деб келтирилган. Чунки ақли норасо шахс жиноят содир этмайди. Балки ижтимоий хавfli қилмиш содир этиши мумкин. Жиноят содир этиш тушунчаси деганда ўзида жиноят таркибининг барча элементини қамраб олган қилмиш тушунилади.

ЖКнинг 19-моддасида “Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик” белгиланган. Мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди. Яъни ушбу ҳолатда шахснинг ҳолати ақли норасо деб топишга асос бўлмайди. Чунки шахс мазкур вазиятда ўзини ўзи маст ҳолатга солади.

Агар ғаразғўйлик мақсадида шахснинг эркига қарши гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларни инсон организмга мажбуран киритиб, бундай шахсни ўзини хатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада ожиз аҳволга келтириб, ушбу шахсдан фойдаланиб жиноят содир этилганда, содир этилган қилмиш учун ушбу шахсни шундай аҳволга келтирган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши лозим. Фикримизча, бундай ҳолатда маст ҳолатдаги шахс ўз ҳаракатларини англамаганлиги ҳамда ўзини ўзи бундай ҳолатга келтирмаганлигидан келиб чиқиб жиноий жавобгарликдан озод қилиниши масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят субъектини ижтимоий хусусиятини акс эттирган ҳолат жиноятчи шахсини тавсифлайди. Жиноятчи шахси хусусияти ҳам Жиноят кодексининг махсус қисми моддасида бевосита кўрсатилганда қилмишни квалификация қилишда аҳамиятли. Масалан, ўта хавfli рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш қилмишни квалификация қилишда оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 17-моддасида жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилашда Жиноят кодекси махсус қисми моддаларида жиноят субъекти ёшга қараб тавсифланганлигини кўрамиз. Масалан, ҳарбий жиноятларда субъект ёши 18 ёш этиб белгиланган. Шу ўринда мазкур жиноятларни содир қилишда 18 ёшга тўлмаган шахслардан фойдаланиб жиноят содир этилса, қилмиш қандай квалификация қилинади деган савол туғилади. Масалан, Жиноят кодексининг 285-моддаси бўйича бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишда ҳарбий хизматчи билан бир қаторда ҳарбий хизматчи бўлмаган шахс бир гуруҳ бўлиб жиноят содир этган ҳолатда қилмиш ЖКнинг 285-моддаси 2-қисми “а” банди билан, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан квалификацияловчи белгисига кўра малакаланадими? Ушбу ҳолатда нафақат гуруҳ белгисига кўра малакаланиш, балки 18 ёшга тўлмаган шахснинг ҳаракатларини малакаланишда ҳам жиноят қонунчилиги нуқтаи назаридан муаммо мавжуд. Яъни 18 ёшга тўлмаган шахс ёш цензига кўра, ЖКнинг 285-моддаси субъекти эмас, аммо соғлиққа қарши бошқа жиноятларни субъекти ҳисобланади. Масалан, ЖКнинг 104–106-моддаларида 14 ёш бўлса, 109-моддасида 16 ёш ҳисобланади. Яъни 18 ёшга тўлмаган шахс ҳарбий жиноятларни субъекти бўлмасада, ЖКнинг 17-моддасига кўра бошқа жиноятларнинг умумий субъекти ҳисобланади. **“Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги Олий суд Пленуми қарорида “Жиноят кодексининг 285-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган “бир гуруҳ шахслар” тушунчаси Жиноят кодексининг 29-моддасида берилган тушунча билан бир хил маънони англатади. Гуруҳ сифатидаги ноустав зўравонлик ҳаракатлари қасд умумийлиги билан бирлашган **икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилади** ва уларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 285-моддасида кўрсатилган жиноят субъекти бўлади ва жиноятда шерик сифатида иштирок этади” деб белгиланган. Мазкур тушунтиришда бир гуруҳ шахслар тушунчаси икки ва ундан ортиқ ҳарбий хизматчинини жиноят содир этишда иштирок этиши назарда тутилган. Шу билан бир қаторда, ушбу тоифадаги жиноятларда иштирокчиларидан бири ҳарбий хизматчи иккинчиси умумий жиноятнинг субъекти (ақли расо ва ўн олти ёшга тўлган шахс), аммо

харбий хизматчи бўлмаган ҳолларда қилмиш қандай квалификация қилиниши ҳақида тушунтириш берилмаган. Бизнингча, мазкур ҳолатда жиноятнинг объектив томонини икки шахс бажарганлигидан келиб чиқиб ҳарбий хизматчи ҳаракатларини гуруҳ таркибида жиноят содир этиш деб квалификация қилиш мақсадга мувофиқ. Ҳарбий хизматчи бўлмаган ҳамда 18 ёшга тўлмаган, аммо гуруҳ таркибида иштирок этган шахснинг ҳаракатларидан келиб чиққан оқибатга қараб Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли нормалари билан жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ.

Махсус субъектли жиноятларда махсус субъект бўлмаган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкинми? Бизнингча, мумкин. Масалан, ҳарбий жиноятлар махсус субъектли жиноят бўлиб, унда 3та талабни мавжуд бўлишига эътибор қаратиш керак:

биринчиси, 18 ёшга тўлганлик ва ақли расолик;

иккинчиси, ҳарбий хизматчи бўлиш;

учинчиси, Жиноят кодексига назарда тутилган ҳарбий жиноятларни содир этиш. Ақли расо ва 18 ёшга тўлган, аммо ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсни жавобгарликка тортиш мумкинми? Агар ақли расо ва 18 ёшга тўлган аммо ҳарбий хизматчи бўлмаган шахс ҳарбий хизматчига ҳарбий жиноятни содир этишга ёрдам берган, ҳарбий жиноятга далолат қилган ёки ҳарбий жиноятни ташкил этган бўлса, фикримизча, бундай ҳолда махсус субъект бўлмаган шахснинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 28-моддаси орқали иштирокчиликда содир этилган жиноят деб квалификация қилиш лозим. Махсус субъект бўлмаган шахс жиноятни объектив томонини биргаликда бажарган ҳолатда махсус субъектнинг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан оғирлаштирувчи белгисига кўра, квалификация қилиниши лозим.

Яна бир мисол. Жиноят кодекси 235-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти махсус субъект бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Жиноят кодексининг 17-моддаси талаби бўйича мазкур жиноятнинг субъекти ёш цензига кўра 18 ёшли шахс бўлиши мумкин. Мазкур жиноятни содир этишда 18 ёшга тўлмаган шахсни жалб этиб жиноят содир этилганда қилмиш қандай квалификация қилинади? Бундай ҳолда жиноятни объектив томонини содир этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими билан умумий жиноятнинг субъекти (ақли расо ва ўн олти ёшга тўлган шахс) бўлган, аммо ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс томонидан содир этилганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходимининг ҳаракатлари ЖКнинг 235-моддасининг 2-қисми “в” банди билан “бир гуруҳ шахслар томонидан” белгисига кўра квалификация қилиниши лозим. Умумий жиноятнинг субъекти (ақли расо ва ўн олти ёшга тўлган шахс) бўлган, аммо ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг ҳаракатларини келиб чиққан оқибатга қараб Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли нормалари билан жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ.

Демак, жиноятларни квалификация қилишда жиноят субъекти мезонларини (ёши, касби ва бошқалар) аниқлаш муҳим. Муайян жиноят учун жавобгарликка тортишда жиноятнинг махсус субъекти барча мезонларини инобатга олиш лозим. Шу билан бир қаторда, махсус субъектли жиноятларда махсус субъект бўлмаган шахснинг иштирок этиши уни умумий жиноят субъекти сифатида келиб чиққан оқибатларга қараб Жиноят кодекси махсус қисмининг бошқа тегишли моддалари билан жавобгарликка тортишни истисно этмайди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 230¹-моддасида далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур жиноятни субъекти исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар ҳисобланади. Жиноят кодексининг 17-моддаси талабига кўра мазкур жиноятнинг субъекти 18 ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига асосан исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади.

Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Мазкур исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши) учун Жиноят кодексининг 230¹-моддаси

бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди. Мазкур ҳолат ва юқоридаги мисоллар Жиноят кодекси 17-моддаси бўйича субъект ёшани қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги ўрганилганда жиноятнинг субъект ёшига нисбатан бир қатор фарқли жиҳатлари аниқланди.

1. Масалан, Россия, Молдова, Украина, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон давлатларида жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар деб белгиланган.

2. Шу билан бир қаторда, айрим жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан келиб чиқиш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан фарқли равишда юқоридаги давлатларда айрим жиноятлар учун **субъект ёши ўн саккиз ёшдан келиб чиқиши белгиланмаган.**

3. Бундан ташқари. Молдова ва Грузия Жиноят кодексларида жисмоний шахслар билан бир қаторда **юримдик шахсларнинг жавобгарлиги** ҳам белгиланган.

Масалан, Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 63-моддасида **юримдик шахсларга жазо тури сифатида жарима, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, юримдик шахсни тугатиш** каби жазо турлари мавжуд. Жарима асосий жазо тури сифатида, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, юримдик шахсни тугатиш ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тури сифатида қўлланилиши мумкин.

Грузия Жиноят кодексининг 107³-моддасида **юримдик шахсларга жазо тури сифатида юримдик шахсни тугатиш, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жарима, мулкдан маҳрум қилиш** каби жазо турлари мавжуд. Юримдик шахсларга жазо тури сифатида юримдик шахсни тугатиш, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси **фақат асосий жазо** тури сифатида қўлланилиши мумкин. Жарима **асосий жазо тури сифатида ҳам қўшимча жазо тури** сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Мулкдан маҳрум қилиш **фақат қўшимча жазо** тури сифатида қўлланилиши мумкин.

Грузия Жиноят кодексидан жиноят содир этгунга қадар **ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар** жавобгарликка тортилмайдилар деб белгиланган. Яъни ушбу норма жиноий жавобгарликнинг умумий ёшани белгилайди. Грузия Жиноят кодексидан жиноий жавобгарлик ёши жиноятни турларига қараб белгиланмаган. Яъни барча жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёши ўн тўрт ёшдан келиб чиқиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб, жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахсларни жавобгарликка тортилишига оид нормани чиқариш таклиф этилади. Мазкур нормани чиқарилиши юқорида келтирилган жиноятларни квалификация қилишдаги бир қатор муаммоларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида [1]“Юримдик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади” деб белгиланган. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида [2] одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар қаторига юримдик шахслар ҳам киритилган. Амалдаги Жиноят кодексидан коррупцияга оид ёки одам савдосига оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юримдик шахсларнинг жавобгарлиги белгиланмаган. Миллий қонунчилигимизни ушбу нормаси талабларидан ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб жиноят қонунчилигида юримдик шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят қонунчилигига оид нормаларни янада такомиллаштириш ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги айрим муаммоларни бартараф этишга, шу билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоясини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Бу борада хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш ижобий аҳамият касб этади.

References:

- 1.Xalq so‘zi. - 2017. - 4 yanvar. - № 2 (6696).
- 2.Xalq so‘zi. - 2008. - 18 aprel. - № 77 (4487).